

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банкида  
«30» июль 2019й.  
64-8 - сонли рақам

билан рўйхатдан ўтди.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
Раисининг ўринбосари  
Б.Э. Захидов



**ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ «НАМКОРБАНК»  
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ УСТАВИГА КИРИТИЛГАН  
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

2019 йил 15 июндаги банк  
акциядорларнинг навбатдаги умумий  
йиғилиши томонидан тасдиқланган

Банк Кенгаши Раиси



М.И. Ибрагимов

**Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат  
банки уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар матни**

1. **Банк уставининг 6.1. бандига қуйидаги таҳрирда янги “м” кичик банд қўшилсин:**  
Миноритар акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиш имконини берувчи шарт-шароитлар яратишни банкнинг бошқарув органларидан талаб қилиш;
2. **Банк уставига қуйидаги таҳрирда янги 6.5. 6.6. бандлар қўшилсин:**  
6.5. Банкнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари Кузатов Кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.  
6.6. Миноритар акциядор ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан бошқарув органлари фаолиятига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас.
3. **Банк уставининг 11.4. “Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:” бандига қуйидагича қўшимча киритилсин:**  
х) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
4. **Банк уставининг 11.9. банди биринчи хатбошини биринчи жумласи қуйидагича янги таҳрирда қабул қилинсин:**  
Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида ўттиз кун олдин Корпоратив ахборот ягона портали «openinfo.uz»да, жамиятнинг расмий веб-сайти «hamkorbank.uz»да ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.
5. **Банк уставининг 11.10. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**  
Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) банкнинг молия йили тугаганидан кейин олти кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Банк Кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.
6. **Банк уставининг 11.19. “Банк кенгаши ваколат доирасига қуйидагилар киради” бандининг 12-хатбошига қуйидагича ўзгартириш киртилсин:**  
“аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;”
7. **Банк уставининг 11.19. банди 27-хатбоши қуйидаги янги таҳрирда баён қилинсин:**  
Банк Бошқарувини тузиш, Бошқарув аъзоларини тайинлаш (Бошқарув раиси бундан мустасно) ҳамда банк Бошқаруви аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Бошқарув аъзоларини тайинлаш чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади;

8. Банк уставининг 13.2. банди биринчи хатбошидаги “Банк Тафтиш комиссияси 5 кишидан иборат бўлади” деган сўзлар “Банк Тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат бўлади” деган сўзларига ўгартирилсин.

**«Hamkorbank» АТБ**  
**Бошқаруви Раиси**

 **Ж.И. Хасанов**